



Икки шарафли харам ходими Абдуллох ибн Абдулазизнинг Покистон Ислом Республикасидаги элчиси Устоз Абдулазиз ибн Иброхим ал-Гадийр «Ислом Олами Робитаси» қошидаги «Халқаро Куръон ёдлатиш ташкилоти» Покистон мамлақати бўйлаб ўтказган «Куръон моҳири» кўрик танлови, яъни мусобақасининг голиблари бўлган покистонлик болаларнинг шарофатига алоҳида йигин ўтказди.

Исломбоддаги Саъудия биносидида ўтказилган мазкур йигинда Покистоннинг собиқ президенти Муҳаммад Рафик, Покистон ҳукумати масъуллари, болалар ишлари бўйича масъул раҳбарлар, бир мунча уламолар, шайхлар, Куръон ёдлатувчи устозлар, элчихона аъзолари, элчихонага қарашли Саъудия мактабларининг мудирлари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Мажлисида сўзга чиққан Устоз Гадийр: «Ушбу йигилиш Аллохнинг Китобини ёд олган

Ўгил ва кизларимиз билан доимо бирга туришнинг, уларни рағбатлантиришнинг изхоридир. Уларнинг оила аъзолари ва устозларига, уларнинг Куръон ёдлашларида кўмакчи бўлган кишиларга алоҳида миннатдорчилигимзни билдирамыз», – деди. Устоз Гадийр яна бутун дунё мамлакатларидаги Саудия элчихоналари Мадинаи Мунавварада жойлашган, Кирил Фахд номидаги мусхаф чоп килиш ташкилотидан барча тилларда чиқарилаётган мусхафларни рамазонгача бутун дунё мусулмонларига тарқатиш учун тайёр бўлишига икки ойдан буён кўл-оёги тўхтамай ҳаракат қилаётганларини алоҳида таъкидлади. Бу хайрли иш, Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ҳар йили амалга оширилмоқда.

Устоз Гадийр ва Мухаммад Рафик томонларидан Кирил Абдуллох ибн Абдулазиз ва унинг ҳукумати аъзоларига Куръони Каримга жаҳон микёсида қилаётган хизматлари учун ташаккур ва дуолар қилинди.

Элчи устоз Гадийр ёш хофиз ва хофизаларга, уларнинг мутасаддиларига тортик ва мукофотларни тақдим қилди. Йигин якунида ҳозир бўлганлар кечки тановулга тақлиф қилиндилар.

(«Ахбар ал-Куръан ал-карим ал-ъаламийя» сайти берган маълумот асосида таёрланди)